# «КОРХОНАДАН КЕТМАЙСИЗ»

**— деди «Қаршисут» ҳиссадорлик жамияти меҳнат аҳли пенсияга чиқаётган Баҳром Примовга. Нега?**

***У 1970 йили шаҳардаги сут маҳсулотлари комбинати директори этиб тайинланганда катта ҳаёт тажрибасига эга эди. Шундан буён чорак аср вақт ўтибди...***

Ўшанда бу комбинат йилига атиги 4 минг тонна сутни қайта ишлаш қувватига эга эди. Бироқ шунга қарамай, хом ашё етишмас, Россиянинг Омск, Новосибирск вилоятларидан келтирилган қуруқ сутдан қатиқ ва сут тайёрланиб, дўконлар, шифохона ва болалар муассасаларига юбориларди.

Қарши даштининг ўзлаштирилиши, Қарши бош каналининг ишга туширилиши натижасида вилоятда чорвачиликни ривожлантириш жумладан, кўплаб миқдорда сут ишлаб чиқариш имкониятлари яратилди. Баҳром аканинг саъй-ҳаракати билан қисқа фурсат ичида кунига 60 тонна сутни қайта ишлайдиган завод қурилиб, ишга туширилди. Даштда меҳнат қилаётганлар учун, айниқса, ёз ойларида асқотадиган чакки (сузма), қатиқ ва қаймоқ ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Кейинчалик эса корхона бир кеча-кундузда 100 тонна маҳсулотни қабул қилиш, қайта ишлашга мослаштирилди. Республика «Гўшт-сут» саноати корпорацияси ёрдамида Эстониядан сутни пакетларга қуядиган линия ундирилди, сутдан сариёғ ажратадиган цех ишга туширилди.

Айни кунларда комбинатда кунига 10 тонна музқаймоқ ишлаб чиқарадиган линия, шакарпазлик, конфет қадоқлайдиган цехлар ҳам фаолият кўрсатмоқда. Хусусан, шакарпазлик цехида турли пишириқлар — печенье, пряник ва тортлар тайёрланиб, дўконларга жўнатилаяпти.

Корхонада чиқитсиз ишлаб чиқариш технологияси жорий этилгани ҳам, айниқса, катта иқтисодий самара бераётир. Илгари сут маҳсулотлари тайёрлашда ажралиб чиқадиган қатиқ зардоби тўғридан-тўғри канализацияга оқизиб юбориларди. Баҳром ака қайсидир адабиётдан Абу Али Ибн Синонинг зардоб билан сийдик йўли ва ўт пуфагида пайдо бўлган тошларни туширганини ўқиганди. Изланишлар оқибатида шу маҳсулотдан шифобахш ичимлик яратилди. Бу ҳақдаги хулосасини республика тиббиёт илмий-тадқиқот институтлари, «Гўшт-сут» саноати корпорациясига юборди. Тошкентдан ижобий жавоб келгач, уни ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Ушбу малҳамга «Шифо» деб ном берилди.

Ёки бошқа бир мисол. Одатда ёғи ажратиб олинган сут хўжаликларнинг фермаларига олиб кетилар ва у бузоқларга ичириларди. Кейинги икки-уч йил мобайнида ёнилғи танқислиги туфайли бундай сутни олиб кетиш самара бермай қўйди. Натижада корхонада унинг заҳираси кўпайиб кетди. Ҳатто ёғи олинган сутни ҳам канализацияга оқизишга тўғри келган пайтлар бўлди.

Баҳром ака ёғсиз сутдан шифобахш қимиз тайёрлаш ғоясини илгари суриб, бу ҳақдаги тавсияларини Москвадаги Озиқ-овқат саноати технологияси илмий-тадқиқот институтига юборганди. Олимлар қимиз тайёрлаш технологиясини яратиб беришди.

Бугунги кунда изланувчанлик эвазига яратилган ҳар икки ичимлик йирик сиғимли идишларга қуйилган ҳолда корхонанинг фирма дўконларида газли сувдан ҳам арзон нархларда сотилмоқда.

Баҳром ака фақат ўзи етакчилик қилаётган комбинатни кенгайтириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турини кўпайтириш билан чекланиб қолаётгани йўқ. Унинг ташаббуси билан Косон, Қамаши ва Ғузор шаҳарларида кичик сут маҳсулотлари заводлари қурилиб, ишга туширилди. Ғузорда эса вилоятда биринчи бўлиб қуруқ сут ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ушбу корхонада ҳозир кунига 3,5 тонна сут порошоги ҳосил қилинмоқда.

Яқинда Қарши сут маҳсулотлари комбинати ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Баҳром ака бу йил фахрийликка чиқишни мўлжаллаб қўйганди. Ҳиссадорлар бунга бир овоздан қарши туришди.

Баҳром ака ноилож қолди-ю, «Қаршисут» ҳиссадорлик жамияти раисига ўринбосар бўлишга розилик берди.

— Бунчалик қадрим борлигини сезмаган эканман, — дейди Баҳром ака ҳаяжонини яширолмай.

— Ҳақиқатан ҳам жамоамиз аҳил, бу ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатию салмоғини оширишда, даромаднинг кўпайишида муҳим омил бўлаётир, — дейди ҳиссадорлик жамияти раиси Л. Гуськова. — Ана шундай самимий муҳитни Баҳром Примов ўзининг шахсий ибрати билан ярата олди. Ишлаб чиқаришдан олинаётган даромадлар ҳисобига эса иккита фирма дўкони қурилди, чойхона тикланаяпти. Корхона атрофини ободонлаштириш, ҳиёбон, музқаймоқ, сутли таомлар, шифобахш ва яхна ичимликлар сотадиган дўконлар барпо этилмоқда. Ўтган йили 48 ва 52 хонадонга мўлжалланган иккита уй қурилиб, уларнинг калитлари ишчи ва хизматчиларга топширилганди. Айни пайтда 40 оила учун тўрт қаватли муҳташам турар жой қад ростлаётир. У Наврўз байрами арафасида фойдаланишга топширилади. Ана шу хайрли ишнинг бошида ҳам Баҳром ака турибди.

— Тез орада ҳиссадорлик жамиятининг ўз шифохонаси — профилакторийси ҳам бўлади — дейди Баҳром ака.

**П. ГАДОЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**





***Сирдарё туманидаги «Малик» давлат хўжалигида кунига 3 тонна сутни қайта ишлайдиган завод ишга туширилди. Айни пайтда Исроилнинг «Эйнов» фирмаси билан ҳамкорликда қурилган ушбу корхонада етти турдаги сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилаяпти.***

***СУРАТЛАРДА: цех бошлиғи М. Гибаров ва технолог М. Черная маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқда; (пастда) завод лаборанти Роза Рамазонова.***

**Н. МУҲАММАДЖОНОВ**
**олган сурат.**

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИСТИҚБОЛИ ПОРЛОҚ

***Япония матбуоти мамлакатнинг Ўзбекистон билан алоқаларига катта аҳамият бермоқда. Токиода чиқадиган «Адзиа буэки» («Осиё савдоси») газетаси Япония-Ўзбекистон иқтисодий қўмитасининг январь ойида ўтган мажлисига бағишлаб мақола эълон қилди. Унда Япониянинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Укиэру Магосакининг мамлакатимиз иқтисодий ва сиёсий ривожи хусусидаги фикрларига кенг ўрин берилган.***

***Қуйида «Адзиа буэки» газетасида эълон қилинган мақолани эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз.***

«Омилкор ҳукумат бошчилик қилаётган Ўзбекистоннинг истиқболи порлоқ» — Япониянинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб У. Магосаки Япония-Ўзбекистон иқтисодий қўмитасининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистондаги вазият тўғрисида шундай деди. У ўз нутқида Ўзбекистон иқтисодиётни ривожлантиришда 3-4 йил ичидаёқ чинакам ютуқларга эришиши мумкинлигини, чунки Президент И. Каримов бошчилигидаги республика ҳукумати барқарор ва изчил ишлаётганини, вазирлар ва уларнинг ўринбосарлари қобилиятли ва билимдон кишилар эканини таъкидлади.

Мажлис чоғида элчи Магосаки Ўзбекистон ҳукуматининг юқори доиралари белгиланган режаларни 3-4 йил ичида амалга оширишни кўзлаб катта куч-ғайрат сарфлаётганини қайд этди. Бироқ, унинг гапига қараганда, қуйи доирларда баъзан ўз фаолиятида ҳанузгача собиқ Совет Иттифоқига хос бўлган эски иш услубига амал қилаётган давлат амалдорларига тўқнаш келиб қолишдек кўнгилсиз ҳоллар ҳам учраб туради.

Президент Ислом Каримовнинг сиёсати ишончли ва кучли, бинобарин у «чиройли ваъдалар» билан омма эътиборини қозонишга уринмайди. У берилган кредитларни сарфлашнинг устивор йўналишларини аниқлаш ва уларни тўлашнинг мақбул шаклларини топиш қобилиятига эга. У кредитларни халқ истеъмоли молларини сотиб олишга эмас, балки ишлаб чиқариш ресурсларини ривожлантиришга сарфлашни мўлжалламоқда.

Сиёсий кучларнинг жипслашиши Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий барқарорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Жаҳон матбуотида Ўзбекистон Республикасида демократик жараёнларнинг ривожи жуда секин кечмоқда, деган фикрларни, ҳаттоки бу ерда юз бераётган айрим воқеаларга демократияга зид воқеа деб қаралаётган мақолаларни кўриш мумкин. Бироқ, жаноб Магосакининг фикрича, Тожикистон ва Афғонистонни ҳам ўз ичига олган бу минтақадаги сиёсий вазият Ўзбекистон ўтказаётган сиёсат ҳозирги шароитда бирдан-бир мақбул ва оқилона сиёсат эканини кўрсатиб турибди.

Япония-Ўзбекистон муносабатлари соҳасида ҳозир Кўкдумалоқ конини ривожлантиришга, Бухоро ва Фарғонада нефтни қайта ишлаш заводлари қурилишига кредит бериш масаласи ўрганилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон олтин, мис қазиб чиқаришни, тўқимачилик саноатини ва нефтни қайта ишлаш заводлари қурилишини устивор даражада ривожлантиришни кўзда тутмоқда.

Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги муносабатларга келганда эса, аввало иқтисодий соҳада муайян силжиш борлигини таъкидлаш мумкин. Американинг хусусий компаниялари Ўзбекистон бозорига фаол кириб келмоқда, сармояларини ишга солмоқда. АҚШда таълим олаётган ўзбек талабалари сони ҳам кўпаймоқда.

**«Адзиа буэки» («Осиё савдоси») газетасининг 1995 йил 25 январь сонидан.**

## ОЛАМДА НИМА ГАП

### ФАРМОН УЧ ЙИЛДАН СЎНГ КУЧГА КИРДИ

***Корея давлати раҳбари Ким Чен Ирнинг туғилган куни 16 феврални мамлакатда кенг нишонлаш ҳақидаги КХДР марказий халқ қўмитаси қарори эълон қилинди.***

Мазкур фармон бундан уч йил олдин Корея халқининг улуғ йўлбошчиси, марҳум Ким Ир Сен томонидан имзоланган эди. Бироқ, Ким Чен Ир ўзининг камтарлиги ва отасига бўлган буюк ҳурмати туфайли ушбу фармоннинг эълон қилинишига розилик бермай келган эди.

### ДАСТУР ЎЗИНИ ОҚЛАМАС ЭКАН

***АҚШ давлат котиби Уоррен Кристофер ва мудофаа вазири Уильям Перри мамлакатнинг ракета ҳужумидан ҳимояланиш дастурига қарши фикр билдиришди.***

Ушбу лойиҳа илгари «стратегик мудофаа ташаббуси» ёки «юлдузлараро жанг» дастури деб ҳам аталарди. Дастур АҚШни душманнинг қитъалараро ракеталари ҳужумидан ҳимоя қилиши керак эди. Бироқ, ҳозирги пайтда мазкур дастур АҚШ хавфсизлигини таъминлай олмайди, фақат миллиардлаб маблағ беҳуда сарфланади холос, дейилади баёнотда.

### ХОРИЖГА — ГУЛ ВА ПОМИДОР

***Фаластин мухторияти маъмурияти хорижга маҳсулот чиқариш учун ҳаракат қилмоқда.***

Яқинда Фаластин АҚШ билан шу ҳақдаги савдо-сотиқ битимини имзолади. Битимга биноан Фаластин АҚШга ҳафтасига 8 тонна помидор сотади ҳамда бундан ташқари, Фаластин Европа давлатларига гул етказиб беради.

### БАНК ЁРДАМГА ТАЙЁР

***Сенегал президенти Абду Диуф Ислом тараққиёт банкини Ғарбий Африка иқтисодий ва молиявий иттифоқини молиявий қўллаб-қувватлашга чақирди.***

Иттифоқнинг олдидаги мақсади ушбу иттифоққа аъзо етти давлат ўртасида умумий бозор барпо этиш ҳамда маҳаллий иқтисодиётни мумкин қадар тезроқ ривожлантиришдир, дейилади А. Диуфнинг Ислом тараққиёт банки директорига йўллаган мактубида.

Ислом тараққиёт банки директори Сенегалнинг расмий вакили билан бўлган учрашувида ушбу иттифоққа ёрдам беришга тайёр эканини билдирди.

### ХИТОЙ ИҚТИСОДИ ЮКСАЛМОҚДА

***Мамлакат статистика бошқармасининг қайд этишича, Хитой саноат корхоналари январь ойида 123,7 миллиард юанлик маҳсулот ишлаб чиқарган.***

Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу ойига нисбатан 11,4 фоиз кўпдир. Январь ойидаги саноат маҳсулотларининг 91,9 фоизи сотилган, дейилади шу мавзудаги хабарда.

### ЮГОСЛАВИЯ ТАРКИБИДА ҚОЛИШМОҚЧИ

***Агар БМТнинг тинчликни сақлаш кучлари Хорватиядан олиб чиқиб кетилса, серблар ва хорватлар ўртасида уруш бошланиб кетади, деди Сербия Краинаси республикаси президенти Милан Мартич.***

Биз Югославия таркибида қолишни истаймиз, жуғрофий жиҳатдан ҳам биз Югославиядан ҳеч қачон ажралиб чиққанимиз йўқ, деди у.

### МОЖАРО ЖИДДИЙ УРУШ ТУСИНИ ОЛМОҚДА

***Эквадор-Перу чегарасидаги қуролли можаро икки мамлакат ўртасидаги жиддий уруш тусини олмоқда.***

Яқинда Эквадор Перу ҳукуматини можародан анча узоқда жойлашган аҳоли жойларини ҳаводан ўққа тутганликда айблади. Перу ҳарбий раҳбарлари ўз қўшинларини зудлик билан баҳсга сабаб бўлган чегара ҳудудида тўпламоқда.

### ИККИНЧИ ҚИСМИ ҲАМ...

***Камбожанинг Сиануквил бандаргоҳига оғир ҳарбий техникаларнинг иккинчи қисми келтирилди.***

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамасининг хабар беришича, ушбу ҳарбий техникалар Польша ва Чехиядан сотиб олинган Т-55 танклари ва зирҳли машиналардир.

### ЎТА ХАВФЛИ БЎЛГАНЛАРИ...

***Беларус парламенти кимёвий қуроллар ишлаб чиқариш, сақлаш ва қўллашни тақиқлаш ҳақида ҳамда уларни тугатиш тўғрисидаги конвецияни тасдиқлади.***

Беларус Ташқи ишлар вазирлиги вакилининг айтишича, мамлакат ҳудудида ўта хавфли бўлган кимёвий моддалар ишлаб чиқарилмайди.

### ЧЕЧЕНИСТОННИНГ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАН ОЛИШНИ ТАВСИЯ ЭТДИ

***Эстония парламенти Чеченистон билан боғлиқ масалани кўриб чиқди.***

Парламент кўпчилик овоз билан ҳукуматга «Халқаро вазият имконият яратгани ҳамон Чеченистон Республикасининг мустақиллигини тан олиш»ни тавсия этди.

### БИРИНЧИ БИТИМ

***Россия Федерацияси ҳукумати ва Чеченистон 13 февраль куни ўзаро ўт очишни тўхтатиш ва асирларни алмаштиришга келишиб олди.***

Бу уруш бошлангандан буён тузилган биринчи битимдир. Битимни Россия Федерациясининг Чеченистонга киритилган қўшинлари раҳбари генерал-полковник Анатолий Куликов ва Дудаев кучларининг штаб бошлиғи Аслан Масхадов имзолади.

***· Мулкчилик шакли ўзгаргач***

## ОЛТИ ОЙ ЁТИБ, УЧ КУНДА ОЁҚҚА ТУРГАН «ОЛТОЙ»

***МОТОРИ эриб кетиб, олти ой бир ерда «ётиб қолган» «Олтой» ҳайдов трактори Жарқўрғон туманидаги Ҳамид Олимжон номли жамоа хўжалиги ширкатлар уюшмасига айлантирилгач, ширкатчи Абдурасул Худойбердиевга тегди. Буни қарангки, «Олтой» уч кунда далага чиқди.***

ЖАМОА хўжалиги ширкатлар уюшмасига айлантирилиши муносабати билан қирқ киши ишсиз қолди. Улар жамоа хўжалиги миқёсида фаолият юритадиган раҳбарлару мутахассислар бўлиб, ҳар қайсисига ҳар куни хизматда фойдаланиши учун турли қувватга эга бўлган юк машиналари ажратиларди. Масалан, баъзиларига Термизга бориб келиш учун ўн тонна юк кўтарадиган «КаМАЗ» тегарди.

Мулкчилик шакли ўзгаргач, бу имтиёзлар барҳам топди. Энди улар ҳам эл қатори ер олиб, эл қатори меҳнат қилмоқда.

— Шунинг учун ҳам жамоа хўжалигини тарқатиб, уни ширкатчилар уюшмасига айлантирдик-да, — дейди уюшма раиси Хуррам ҳожи Боймуродов.

**Тожиддин РАЗЗОҚ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## «ҲУМО» — ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

*Республика олий ўқув юртлари «Қувноқлар ва зукколар» кўрик-танловининг навбатдаги босқичи Бухорода ўтказилди. Унда Бухоро давлат университетининг «Ҳумо», Тошкент техника университети Бухоро филиалининг «Истиқлол» ҳамда Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтининг «Ситораи муҳандис» гуруҳлари ўзаро куч синашди.*

*«Ҳумо» гуруҳи танловда ғолиб чиқиб, навбатдаги босқичда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.*

***· Фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллиги олдидан***

## МЕН МЎЛЖАЛЛОВЧИ, У ЎҚЛОВЧИ ЭДИ...

***Армия сафига Пискент туманидаги Кориз қишлоғида туғилган Аҳмадали Насруллаев билан бир кунда — 1942 йил 21 ноябрь куни чақирилгандик.***

Фашист босқинчиларига қарши олиб борилган жангни ҳам Смоленск вилоятининг Спас-Демянск туманидаги Дворишче қишлоғида 159-ўқчи дивизия таркибидаги 597-тўпчилар полкининг 1-дивизионида бирга бошлаганмиз. Мен тўп мўлжалловчиси, Аҳмадали эса тўп ўқловчиси эди. Кейинчалик мен тўп командири, Аҳмадали эса тўп мўлжалловчиси этиб тайинландик.

Марказий архивдаги дивизиямиз фонди ҳужжатларини кўздан кечириш жараёнида қуролдош дўстларим жасорати ўз ифодасини топган полк партия ташкилоти ахборотини учратиб қолдим. Дивизия фондининг 2-рўйхатидаги 6-делода сақланаётган бу ахборот 1944 йил 12 август куни ёзилган экан.

«Тўп расчети таркибида ўқловчи вазифасини бажарган Аҳмадали Насруллаев,— дейилганди ахборотда,— 1944 йил 1 август куни Деляшко қишлоғидан 700 метр жанубдаги дарахтзор яқинида душман танкини сафдан чиқарганлиги учун пул мукофотига сазовор бўлди».

3-Белоруссия фронти таркибида жанг қилган 159-ўқчи дивизиямиз жангчилари Смоленск вилояти, Белорусь ва Литвани гитлерчи босқинчилардан озод қилишда мардлик ва матонат кўрсатишган. Улардан бири дивизиямиз таркибидаги 597-тўпчилар полкининг 1-дивизионида дастлаб тўп ўқловчиси, кейинчалик тўп мўлжалловчиси сифатида жанг қилган ҳамюртим Аҳмадали Насруллаев эди.

...1944 йилнинг 5 августи эди ўшанда. Полкимиз батареялари ўрмон чеккасида эгаллаган ўт очиш позициялари томон душманнинг 30 дан ортиқ танк ва ўзиюрар тўплари бостириб кела бошлади. Полк таркибидаги батареяларнинг барча тўп расчетлари уларга қарата ўт очди.

Аҳмадали ҳам ғафлатда қолмади. У ўз тўпини душман танкларидан бирига тўғрилади. Биринчи снаряд мўлжалдан четлаб кетди. Иккинчи снаряд аниқ бориб текканлигидан танк бурқсаб ёна бошлади. Бироқ танкка ўрнатилган йирик калибрли пулемёт ўқи келиб теккан Аҳмадали тўп ёнига йиқилди. Унинг ҳаётини сақлаб қолиш учун уриниш фойдасиз бўлиб чиқди. Душман пулемётининг парчаланувчи ўқи ўз ишини қилиб қўйган эди.

Аҳмадали қатъий фикрли, мустаҳкам иродали, мулоҳазали ва ёқимтой йигит эди. Шунинг учун ҳам уни батареядаги жангчиларнинг ҳаммаси жон-дилдан яхши кўриб қолишганди.

Аҳмадали Насруллаев ҳалок бўлишидан бир ҳафта илгари «Жасурлиги учун» медали билан мукофотланган эди. 1944 йил 29 июль куни Литвадаги Тауракеми қишлоғи яқинида отиш позициясида турган Аҳмадали душман тўп ва миномётлардан узлуксиз ўт очиб турганлигини писанд қилмай, гитлерчиларнинг 2 та станокли ва битта қўл пулемётини сафдан чиқариб, ҳужумга ўтган ўқчи батальон жангчиларининг олға силжишлари учун йўл очиб берган эди.

Аҳмадали Насруллаев Литвадаги Францико — Буда қишлоғида дафн этилган.

### ПИЁДАЛАР ТАҲСИНИГА САЗОВОР БЎЛГАН ТЎПЧИ

Россия Федерацияси Мудофаа вазирлигининг Подольск шаҳридаги марказий архиви ўқув залида 9-гвардиячи ўқчи дивизияга тегишли ҳужжатларни кўздан кечириб ўтирган эдим. Қўлимда шу дивизияда чиқиб турган «За Родину» газетасининг 1943 йилги таҳлами. Унинг 3 апрель сонидаги «Пиёдалар мўлжалловчи Султоновдан миннатдор бўлмоқдалар» сарлавҳали мақола эътиборимни ўзига тортди. Мақолада гвардиячи кичик сержант П. Кузьмин ўзбекистонлик тўпчи Жўра Султонов жасорати ҳақида фикр юритган эди.

«Тўпчилар учун энг яхши мақтов — дейилганди мақолада,— пиёдаларнинг миннатдорчлигидир. Пиёдалар эса мақтов учун хасис эмаслар. Аммо бекордан-бекорга мақтайверишмайди. Улар тўпчилардан аъло даражада жанг қилишни асосли равишда талаб қиладилар.

...Жўра Султонов ёш мўлжалловчи бўлса ҳам бунга эришган. У ўз тўпи билан пиёдалар жанговар тартибида боради, кўриб отиш позициясидан душман ўт очиш нуқталарига, гитлерчилар тўдасига қарата ўт очади.

Султонов жангларнинг бирида айниқса ибрат кўрсатди: у душман пулемёт нуқталарига узоқ вақт ишлашга имкон бермади. Фашистлар пулемёти тилга кирди дегунча ўша томонга 2-3 снаряд йўллайди, қарабсизки, нуқта ўзини осмонда кўради.

Ўқчилар тўпнинг мўлжалга аниқ отишини кузатиб, Султоновни мақташади, жанг пайтида берган яхши ёрдами учун миннатдорчилик билдиришади».

Мақолани ўқиб чиқдим-да, Жўра Султоновнинг ким эканлигини аниқлашга киришдим. Бунинг учун унча кўп вақт талаб қилинмади.

9-гвардиячи ўқчи дивизия таркибидаги 18-гвардиячи ўқчи полкда танкка қарши отувчи тўп расчетининг командири бўлган Жўра Султонов Оҳангарон туманида туғилган, фронтга Тошкент шаҳрининг Киров туман ҳарбий комиссарлигидан жўнатилган экан.

Жўра Султонов Смоленск вилоятининг Духовшчинск туманидаги Кулагино қишлоғи бўсағасида 1943 йил 14 сентябрь куни олиб борилган жангда тўпидан узлуксиз ўт очиб, ҳужум қилаётган пиёдаларга мадад бериб турган.

Душман танкка қарши отувчи тўпини отиш позициясига олиб чиқиб, ҳужумга ўтган ўқчиларимизга қарата ўт очганда Султонов ҳам ўз тўпини кўриб отиш позициясига олиб чиққан ва аниқ мўлжалга олган ҳолда ўт очиб, иккинчи снаряд биланоқ фашистлар тўпини сафдан чиқарган ва расчетини яксон қилган экан.

Гитлерчи пулемётчи тўпга ва унинг расчетига қарата ўт очганда Султонов дарҳол пулемёт ўрнатилган жойни аниқлаб, уни ҳам расчети билан бирга яксон қилган. Дивизия командири жасур тўп командири гвардиячи катта сержант Жўра Султоновни Қизил Юлдуз ордени билан мукофотлаган.

Жўра Султонов 1944 йил 11 март куни олиб борилган шиддатли жангда мардларча ҳалок бўлган. Псков вилоятининг Идрица туманидаги Павлов қишлоғи бўсағасида дафн этилган.

Аҳмадали Насруллаев ва Жўра Султонов жангларда кўрсатган жасорат ва матонатдан уларнинг барча ҳамюртлари фахрланишга ҳақлидирлар.

Марҳум ҳамюртларимизга Худонинг раҳмати тегсин, жойлари жаннатда бўлсин!

**Мажид САМАДОВ,**
**уруш ва меҳнат фахрийси,**
**«Халқ сўзи»нинг жамоатчи мухбири.**

• «Халқ сўзи» бонг уради!

# НИМА БЎЛДИ СЕНГА, УЧҚУДУҚ?!

## ёки қулоғигача қарзга ботса-да, яп-янги машина шайдосига айланган раислар

***НАВОИЙ вилоятининг Учқудуқ тумани 1982 йилда ташкил этилган. Кўп жойларда бўлгани каби бу ерда ҳам собиқ тузумдан қатор муаммолар мерос қолган. Уларнинг ечими йўлида бугун нима ишлар қилиняпти? Биз шу мақсадда Учқудуққа йўл олдик.***

БУ ТУМАННИ нафақат Ҳамдўстлик мамлакатларида, балки бутун дунёда яхши билишади. У ўша даврдаёқ собиқ иттифоқ хазинасини ўзининг ранг-баранг қазилма бойликлари билан тўлдирарди. Шундан бўлса керак Учқудуқ дейишса, бийдай чўлда бунёд этилган кўркам шаҳар, бахтиёр одамлар кўз олдимизга келарди. Эстрада ансамблимизнинг «Учқудуқ» қўшиғи тезда барчанинг оғзига тушганлиги ҳам эҳтимол шундандир. Хуллас, Учқудуқ эл назаридаги шаҳар бўлиш билан бир вақтда энг қолоқ туман ҳам эди.

Шаҳар аҳолиси, айниқса кончилар марказ таъминотида бўлиб, улар учун барча шароитлар муҳайё этилганди. Бироқ шаҳар аҳлининг ёнгинасидаги чорвадорлар, қишлоқ меҳнаткашлари эса... Хуллас, уларнинг меҳнати, заҳмати иккинчи-учинчи даражали ҳисобланарди. Чорвадорларнинг ижтимоий аҳволи, турмуш тарзларига эътибор ҳам худди шундай эди.

Қишлоқ меҳнаткашларини қўя турайлик, шаҳарликлар учун ҳам (кончилардан ташқари) баъзан оддий шарт-шароитлар яратилмаган эди. Бир сўз билан айтганда, собиқ Иттифоқнинг мақсади имкон қадар кам харажат билан, кўпроқ фойда олиш эди. Айни шундай муаммолар йиғилиб қолган бир пайтда республикамиз мустақилликка эришди. Одамларга, оддий меҳнаткашларга, олис қишлоқлар аҳлига муносабатлар ўзгарди. Шунинг натижаси ўлароқ 1993 йилда тегишли тадбирлар ишлаб чиқарилди. Унда тумандаги барча муаммолар қамраб олиниб, уларни ҳал этишнинг аниқ йўллари белгиланган эди.

Келинг, фактларга мурожаат қилайлик. Ушбу тадбирга мувофиқ 1994 йил охирига қадар Учқудуқ шаҳрида уч минг квадрат метр уй-жой қурилмоғи лозим эди. Бироқ вилоят ҳокимлиги томонидан маблағ ажратилмаганлиги боис иш охиригача бажарилмай қолди. Эртаиндин шаҳарда йирик саноат корхонаси ишга туширилиши мўлжалланмоқда. Унга етук, тажрибали кадрлар керак. Албатта, бундай кишиларнинг барчасини маҳаллий аҳоли орасидан топиш мушкул. Шу боис бошқа шаҳарлардан мутахассислар таклиф этишга тўғри келади. Уларни ҳам уй-жой билан таъминламоқ керак. Шундай бир шароитда бу муаммога панжа орасидан қараш, ажратилган маблағ ва моддий захираларни ўз вақтида етказиб бермаслик кимнинг аҳволини танг қилади?

Учқудуқ азалдан чорвадорлар юрти бўлиб келган. Туманда яйловларнинг аҳволини яхшилаш, суғориладиган ерларни кенгайтириш, бунинг учун қудуқлар қазиб, сув чиқармоқ лозим эди. Бироқ бу ишлар ҳам мутасадди ташкилотларнинг бефарқлиги туфайли ўлда-жўлда қолиб кетмоқда. 1994 йилда қудуқлар қазиш масаласидаги режанинг ярми ҳам бажарилмади.

Кейинги пайтларда четдан келган мутахассисларнинг кетиб қолиши кўпайди. Бунинг туб сабаблари аҳоли турмуш шароитларига жиддий эътибор бермаслик, уй-жой таъминотининг оғирлигидир. Шунингдек, туманда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш ҳам кўнгилдагидек эмас. Ўз поликлиникаси, санэпидстанцияси ва лабораторияларига эга бўлган туман шифохонаси қурилишини бошлашда сусткашлик қилинмоқда. Эътибор беринг, бу иншоотнинг лойиҳа ҳужжатлари икки йил аввал тайёрланган бўлишига қарамай бугунги кунда ҳам юқоридан кимларнингдир назари тушишини кутиб ётибди. Холбуки тумандаги йирик шифохоналарда ўнлаб врачлар етишмайди.

Туман марказидан 250-300 километр олисда яшайдиган чўпон оилаларига хизмат кўрсатадиган тиббий автотранспортнинг эса 50 фоизи эҳтиёт қисмлар йўқлиги боис бугун бекор турибди. Кечаётган иқтисодий ислоҳотларнинг туб ўзаги четга хом-ашё сотишдан тайёр маҳсулот етиштириб, жаҳон бозорида муносиб ўрин эгаллашга қаратилган. Бунинг учун ҳар бир туманда чет эл сармояларини жалб этиш, кичик ва қўшма корхоналар қуриш каби, бугуннинг долзарб вазифалари билан жиддий шуғулланмоқ лозим. Ўтмишда Учқудуқ том маънода хом ашёлар базаси эди. Туман чорвадорлари етиштираётган барча маҳсулотлар четга олиб кетиларди. Шу боис Вазирлар Маҳкамасининг қарорида «Маҳаллий саноат» корпорациясига трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи цех, терини қайта ишловчи корхона қуриш топширилган эди. Бу ишларни бажарувчи мутасаддилар ҳам маблағ ва ускуналар йўқ, деб қўл қовуштириб ўтирибдилар.

Тумандаги жамоа хўжаликлари банкдан ўтган йили ўн олти миллион сўм қарздор бўлиб қолди. Уни шу йилнинг май ойигача тўлашнинг имкони йўқ. Боиси — хўжаликлар апрель ойидагина маҳсулот олишлари мумкин. Шундай экан, чорвадорлар майгача қандай кун кечирадилар? Биз ушбу савол билан туман ҳокими Анатолий Храповга мурожаат қилдик.

— Менимча 10-15 йилга қарз олиш керак, — деди у. Эҳтимол ҳоким ҳақдир, бироқ қарзни 10-15 йилдан кейин бўлсада, қайтармоқ керак-ку. Туман чорвачилигида тадбиркорлик йўлга қўйилмас экан, муаммолар ечилмай қолаверади.

Биргина мисол: Учқудуқ шаҳри аҳолиси таъминоти учун гўшт ва гўшт маҳсулотлари қарийб 300 километр масофа — Навоий шаҳридан келтирилади. Ва учқудуқлик чорвадорлар боқиб етилтирган қўй ва қорамоллар Навоийдаги гўшт комбинатига олиб борилади. Унинг пули ҳам табиийки, вилоят орқали айланади. Туманда биттагина кичик гўшт комбинати қурилса, бу муаммо жўнгина ҳал бўлмайдими? Айни пайтда туманнинг «Дўстлик», Гагарин номли, «Ўзбекистон 40 йиллиги», «Авангард» жамоа хўжаликлари раислари тери айирбошлаб, ўзларига яп-янги «УАЗ» хизмат машиналари олдилар.

Туманда чорвачиликка ихтисослашган 22 та фермер хўжалиги бор. Улар ўтган йили 104,4 минг сўм кредит олишган. Қарзни берган вилоят «Тадбиркор» банки эса 1995 йил 1 январидан фойдани 210 фоизга оширибди. Чорвадор ўз фойдасини бир йилда 2-3 баравар ошира олмаслигини банкдагилар наҳотки тушунишмаса? Бундай шароитда ким қарз олиб фермерликка қўл уради?

Учқудуқ мамлакатнинг шимолий тумани бўлганлиги боис қиши узоқ ва совуқ, ёзи ҳаддан ташқари иссиқ келади.

Суғориладиган ва унумдор ерлар йўқ ҳисоби. Шунинг учун мева ва сабзавот маҳсулотлари бу ерда анча қиммат. Ўтган йили кузда қозоғистонлик «тадбиркорлар» учқудуқлик чўпонлар учун савдо уюштириб, ҳар бир дона тарвузни бир қўйга сотишибди. Бундай шароитда чўпонни айблаб бўлмайди. Ахир у ҳам бола-чақасининг эҳтиёжини қондириши керак. Лекин вилоят таъминот уюшмаси, тайёрлов идораси ходимлари бугун ўша чўпонлар юзига қандай қарарканлар? Ҳали ҳам рефрежератор ёки совутгичли юк автомобиллари лозим десалар керак.

Юртбошимиз йил бошида Навоий вилоятида бўлиб, бу ердаги муаммоларни атрофлича таҳлил қилди, муаммоларнинг пайдо бўлишига йўл қўйган раҳбарларни кескин танқид қилди. Сўздан ишга ўтиш даври келганлигини қайта-қайта таъкидлади. Шу халқ фаровонлиги учун ҳар биримиз масъулмиз, деганида Президентимиз энг аввало мутасадди раҳбарларни назарда тутган эди. Чунки ислоҳотларнинг бориши ва фаровонликка эришиш кўп жиҳатдан раҳбарларнинг масъулиятни ҳис этиб ишлашларига боғлиқ.

**Темур ЭШБОЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

• Суратли лавҳа



# УЙИМИЗ КЎРКИДИР БУ ГИЛАМЛАР

Бундан уч йил муқаддам Хоразм вилоятининг Хива туманида «Сўғдиёна» кичик корхонаси иш бошлаган эди. Бугунги кунда замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган бу ерда 200 нафар киши меҳнат қилмоқда. Энг муҳими — корхонада ишлаб чиқарилаётган чўғдек гиламлар бежиримлилиги ва чиройлилиги жиҳатидан харидорларга манзур бўлаётир.

— Маҳсулотларимиз Хива комбинати гиламлари билан рақобатлаша бошлади, — дейди «Сўғдиёна» раҳбари Шоназар Нурметов. — Шу боис уни хорижий давлатларнинг истеъмолчилари ҳам бажонидил харид қилмоқдалар. Бу йилдан бошлаб эса корхонамиз қошида болаларга мўлжалланган ўн турдаги кийим-кечак тўқийдиган цех ҳам ишга туширилди.

Корхонада ишчиларнинг маданий дам олишлари учун ҳамма шарт-шароитлар муҳайё этилган. Бу ҳол уларни янада самарали меҳнат қилишга ундамоқда.

**Ф. САНАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТЛАРДА: «Сўғдиёна» кичик корхонаси иш фаолиятидан лавҳалар.**

**Ш. ИБРОҲИМОВ олган суратлар.**

# ХЎЖАЛИК РАҲБАРЛАРИ УЧУН ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИ

***Сирдарё вилояти деҳқончилик саноати уюшмасида деҳқончилик саноати уюшмалари раҳбарлари иштирокида бир ҳафталик дастур асосида ўқув машғулотлари ўтказилди.***

Ўқув жараёнида хўжалик тизимида ислоҳотнинг иккинчи босқичига ўтиш бўйича қилинадиган ишлар, солиқлар тизими, молия-кредит ва банк тизимини такомиллаштириш йўллари ҳақида маърузалар тингланди.

**Ўктам ҲАЙДАВОЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# МАТЛУБОТЧИЛАР ЭНДИ ҒИШТ ҲАМ ТАЙЁРЛАШАДИ

Қашқадарё вилояти матлубот жамиятлари уюшмаси томонидан Қамаши шаҳрига туташ жойда йилига 15 миллион дона ғишт ишлаб чиқарадиган завод қурилди.

Маҳсулотнинг асосий қисми аҳоли эҳтиёжи учун етказиб берилади.

**Г. ПЎЛАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ҲАМКОРЛИК КЕНГАЯДИ

***Республика Қизил Ярим ой жамияти Наманган вилоят қўмитаси 1,5 минг нафардан зиёд фуқароларга ҳар томонлама моддий, тиббий, ижтимоий ва маънавий ёрдам кўрсатмоқда.***

*Бу инсонпарварлик ишларини янада такомиллаштириш мақсадида вилоят қўмитаси асосан уч йўналишда: табиий офатдан зарар кўрганларга ёрдам бериш, ночор, ёрдамга муҳтожларга ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш ва бу ишга ёшларни жалб этиш ҳамда қўмитанинг молиявий аҳволини яхшилаш борасида иш олиб бормоқда.*

*Яқинда ана шу масалалар юзасидан Қизил Ярим ой жамияти вилоят қўмитасининг семинари бўлиб ўтди. Унда Халқаро «Қизил хоч» қўмитасининг Марказий Осиё мамлакатлари минтақавий вакили жаноб Пиер Жосерон иштирок этиб, ўзаро ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш тўғрисида ҳужжатлар имзоланди.*

**А. МАДАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЭСКИ ШАҲАР ЯШАРЯПТИ

***Пойтахтимизнинг Эски шаҳар қисмини қайта қуриш ишлари айни кунларда жадаллаштириб юборилди.***

Жумладан, Қорасарой кўчаси бўйлаб икки километрлик масофада яроқсиз ҳолга келган аҳоли турар жойлари ва бошқа иншоотлар бузилаяпти. Бу ерларда биринчи навбатда йўловчилар қатновчи йўлаклар таъмирланишига катта эътибор қаратилган. «Ўзтрансмахсусқурилиш» ҳиссадорлик бирлашмаси мутахассислари эса водопровод, канализация тармоқларини йўлга қўйиш ишларини бошлаб юборди. Ҳозирча бу ҳудудни қайта бунёд этиш юзасидан учта вариантдаги лойиҳа мавжуд. Лойиҳалар тегишли муассасалар томонидан кўриб чиқилиб, тасдиқлангач, қурилиш ишларига тўлиқ киришилади.

Шуни олдиндан айтишимиз мумкинки, Қорасарой кўчаси бўйлаб бунёд этилажак гузарлар аҳолининг шарқона ҳаёт кечириш тарзларига мос равишда қурилади. Ҳар уч лойиҳадан чойхона, дўкон, сартарошхона ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш иншоотлари жой олган. Янгидан бунёд этиладиган кўчанинг икки юзидаги замонавий турар жой бинолари, барча қулайликларга эга коттеджлар орасидан кенг, равон йўл қурилиши ва унда экологик жиҳатдан энг зарарсиз транспорт ҳисобланган троллейбус қатновининг йўлга қўйилиши режалаштирилган.

**Г. САОДАТОВА.**


## ТАШКИЛОТ

*3-4 мм. диаметрли симлардан 70-120 мм. узунликдаги михлар тайёрловчи "Мих автоматлари"ни шунингдек, 0,25 м³ сиғимли бетонқоргичлар ва шлакблок тайёрловчи ускуналарни ишлаб чиқарада ва сотади.*

**Манзилимиз:**
*Тошкент ш., Академиклар шаҳарчаси, Хўжаев кўчаси, 33.*
*Тел.: 62-43-68, 69-95-93.*

**Манфаатдор шахслар диққатига !**
"Туркдиёр" фирмаси Тошкент шаҳридаги омбордан қуйидагиларни таклиф қилади:
*1. Кўзойнаклар учун оправалар (Италия)*
*2. Болалар велосипедлари (Туркия)*
*3. Турли кийимлар (Рос/Гер)*
Пул ўтказиш йўли билан ҳисоб-китоб қилинади.
**Манзилимиз:**
700029, Тошкент ш., Буюк Турон кўчаси, 41.
Тел.: (3712) 33-58-11, 32-10-68,
факс 56-82-77

## ДИҚҚАТ!

*ЖАМҒАРМАНГИЗНИ ҚЎЙИШ УЧУН ҚУЛАЙ МАНЗИЛ!*

***"Хусусийлаштириш миллий инвестиция жамғармаси" очиқ типдаги акционерлик жамияти биринчи чиқарилган акцияларни 100 сўм номинал баҳода сотишга киришди.***
**Жамғарманинг акциялари акционерлик жамиятининг хусусийлаштириш жараёнида шаклланган энг ликвидли мол-мулки билан мустаҳкам ҳимояланган.**

*Акцияларни қуйидаги манзилда хоҳлаган куни эркин сотиб олиш ва сотиш мумкин:*
Тошкент шаҳри , Амир Темур кўчаси, 24-уй, 301-хона.
Телефон: 33-40-01.

**Қарши давлат университети қуйидаги кафедралар мудирлигига танлов эълон қилади (фан докторлари ёки фан номзодлари):**

- — дифференциал тенгламалар,
- — математик анализ;
- — жаҳон мамлакатлари тарихи;
- — анорганик ва аналитик химия;
- — органик ва физколлоид химия;
- — дифференциал психология ва социология.

**ТАНЛОВ МУДДАТИ ЭЪЛОН ГАЗЕТАДА ЧОП ЭТИЛГАН КУНДАН БОШЛАБ 1 ОЙ.**

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин:
Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси 17-уй,
Қарши давлат университети.

*Телефонлар: 5-44-57, 5-72-41.*


# ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги мулк қийматини йўқламалаш, хусусийлаштириш мудирлиги ҳамда Тошкент шаҳар универсал кўчмас мулк биржаси 1995 йил 28 февраль куни ер участкаларига умрбод эгалик қилиш учун кимошди савдоси ўтказади. Бундан ташқари савдога Ген. Петров-Чизельний кўчасида жойлашган 30 «В» турар жой уйидан 5 та 3 хонали хонадон ва автотранспорт воситалари қўйилади.

Якка тартибда уй-жой қуриш учун қуйидаги ер участкалари кимошди савдосига қўйилади:

1. Акмал Икромов тумани, Али Қушчи кўчасида жойлашган якка тартибда қуриладиган даҳа.

Ер участкаларининг сони 3 та. (№№ 10, 11, 12-участкалар). Ер майдони — 400 кв. м. Ҳар бир ер участкасининг бошланғич нархи — 110,0 минг сўм. Ер участкаси умрбод эгалик қилиш учун берилади.

2. Юнусобод тумани, Бўзсув канали қирғоғининг чап томонида жойлашган Тошкент халқа йўли ёнидаги якка тартибда қуриладиган даҳа.

Ер участкасининг сони — 16 та. (№№ 1-16 участкалар). Ер майдони — 400 кв. м. Ҳар бир ер участкасининг бошланғич нархи 55 минг сўм. Ер участкаси умрбод эгалик қилиш учун берилади.

***Кимошди савдосига қўйилган хусусийлаштириш объектлари рўйхати:***

3. Ген. Петров-Чизельний кўчасидаги 9 қаватли, 30 «В» сонли турар жой уйининг 5 та хонадони. Буюртмачи — Тошкент шаҳар ҳокимлигининг капитал қурилиш бош бошқармаси. 3 хонали хонадонларнинг сони — 5 та. (№№ 52, 56, 60, 63, 64). Хонадоннинг умумий майдони — 62,16 кв. м. Турар жой майдони — 38,26 кв. м. Бошланғич баҳолари: кв. № 52 — 320.0 минг сўм, № 56 — 310,0 минг сўм, № 60-300,0 минг сўм, № 63, 64 — 270,0 минг сўм.

4. Автотранспорт воситалари сони 13 та.

Буюртмачи — «Тошшаҳарйўловчитранс». Автотранспорт воситалари русумлари:

1) ЛУАЗ 969М-002 — 5 дона
2) ЕРАЗ 672 — 1 дона
3) ЛАЗ 695Н — 2 дона
4) Юк ташувчи автотранспортлар учун прицеп Д-55 — 4 дона
5) УАЗ-469Б — 1 дона

5. Яккасарой тумани «Бошлиқ» даҳасидаги алоҳида қурилган савдо марказининг ўнг қисми (блок). Буюртмачи — Тошкент шаҳар ҳокимлигининг капитал қурилиш бош бошқармаси. Савдо майдони — 1440 кв. м. Ер участкасининг майдони — 2340 кв. м. Иншоотнинг бошланғич нархи — 2206,5 минг сўм. Ер участкасининг бошланғич нархи 6740,0 минг сўм. Ер участкаси шахсий мулк қилиб берилади.

Савдода қатнашиш учун ўз вақтида ариза ва бошқа зарур ҳужжатларни топширган ҳамда хусусийлаштириш иншоотининг бошланғич нархидан 10% миқдоридаги гаров пулини белгиланган тартибда тўлаган ҳуқуқий ва жисмоний шахслар кимошди савдосида қатнашишга қўйиладилар.

Тўлов шакли турли йўллар билан амалга оширилади.

Кимошди савдосида қатнашиш учун аризалар ҳар куни (якшанбадан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача, шанба куни соат 9.00 дан 15.00 гача Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 13-уй, биринчи қават, 1-хонада «Кимошди савдоси» ҳайъати томонидан қабул қилинади.

Сиз бу ерда иншоотлар билан батафсил танишишингиз ва Сизни қизиқтирган барча масалалар бўйича маслаҳатлар олишингиз мумкин.

Маълумот учун телефонлар: 44-53-77, 44-53-68.

Аризаларни қабул қилишнинг охирги куни 1995 йил 26 февраль.

Иншоотларни хусусийлаштириш очиқ кимошди савдоси 1995 йил 28 февралда соат 11.00 да бўлиб ўтади.

***Кимошди савдосини ўтказиш жойи: А. Қодирий кўчаси, 13-уй, 1-қават, кимошди савдоси хонаси.***

**Кимошди савдосини ўтказиш ҳайъати.**

• *Жаҳон кино юлдузлари*

# Софи ЛОРЕН: ОЙНАГА ҚАРАБ ГЎЗАЛЛИКНИ КЎРАМАН

***Асли исми София Чиколоне бўлган Софи Лорен 1934 йил 20 сентябрда Рим шаҳрида дунёга келди. Болалиги камбағал оилада, Неаполь шаҳри атрофида кечган Софи узун бўйли ва ҳаддан зиёд озғин бўлганлиги учун уни «тиштозалагич» деб аташарди. Ўн беш ёшида «Италия гўзаллари» танловида иккинчи ўринни эгаллаганидан сўнг ҳақоратомуз кулишлар ўз-ўзидан барҳам топди. 1950 йили жаҳон уни истеъдодли актёр Софи Лорен сифатида таниди. Шундан сўнг у кўплаб фильмларда суратга тушди.***

1954 йил Витторио Де Сикнинг «Неаполь олтинлари» фильмида у илк бор халқаро миқёсда шуҳрат қозонди.

Тўғриси, Лорен дастлаб яратган образлар кинотанқидчилар томонидан муносиб баҳоланмади. Аммо бундан қатъий назар актёр ўз қаҳрамонлари характерига чуқур маъно ва ўзига хос юмор туйғуси беришга интиларди. У ўзининг бу фазилатини энг яхши «Қора орхидей», «Кеча, бугун, эртага», «Итальянча никоҳ» фильмларида алоҳида намойиш қилган.

Яқинда олтмиш йиллик юбилейи нишонланишига қарамасдан афсонавий гўзаллик соҳиби Софи Лорен ҳамон фильмларда суратга тушмоқда. «Агар ўз ишингизни чин муҳаббат билан севсангиз уни ҳаётингизнинг энг кўркам дамларида ҳеч ҳам тарк этмайсиз»,— дейди у.

Софи журналистлар билан суҳбатга доим ҳам рози бўлавермайди. Эътиборингизга унинг охирги суҳбатларидан бирини ҳавола этамиз.

**— Лорен хоним, Сиз ажойиб ижодий фаолиятингиз давомида етмишта рол ижро этдингиз. Ортда қолган умр, ўтмишга айланган йиллар ҳақида тез-тез мулоҳаза қилиб турасизми? Келгусида яна фильмларда суратга тушиш ниятингиз борми?**

— Актёрнинг ижодий фаолиятида фильмларнинг сони эмас, суратга тушган асарларнинг сифати муҳимдир. Албатта, ролларнинг кўплиги ҳам қайсидир маънода яхши... мен ҳозирда ҳам ўз ишимни жуда севаман, характерим ва шахсимга лойиқ роллар бўлса, суратга тушишга доим тайёрман. Айни пайтда суратга олиш Бразилия, Америка ва Европада кечадиган Роберт Алтманнинг «Прет-а-портэ» фильмида ишлаяпман.

**— Сиз ўзингиздаги гўзаллик ва ёшликни қандай сақлаб қолганингиз сирини айтолмайсизми?**

— Бу ерда ҳеч қандай сир йўқ. Нега ёш кўринишим сабабини ўзим ҳам билмайман.



**— Шон-шуҳрат бобида энг юқори чўққига чиққан йилларингизда Сиз билан Жина Лоллобриджи ўртасида доимо рақобат бўлган дейишади...**

— Ўйлашимча, орамизда ҳеч қачон рақобат бўлмаган, ҳарҳолда мен томондан шундай бўлмаганлиги аниқ. Мен катта кино саҳнасида пайдо бўлганимда Жина ўнлаб образлар яратган актёр сифатида жуда машҳур эди. Ораларида яширин «душманлик» бўлгани каби гап-сўзлар эса журналистлар фантазиясидан бўлак ҳеч нарса эмас.

**— Жиддий драматик роллар билан бир қаторда енгил итальян комедияларида ҳам тез-тез кўриниб турасиз. Характерингиз, ички ҳиссиётларингиз кўпроқ қайси бирига мойил. Умуман, кейинги пайтда худди аввалгидек ҳайратомуз даражадаги итальян комедия фильмлари яратилмаяпти.**

— Мен ҳар бир истеъдодли актёр ҳар қандай ролни ўйнашга қодир бўлиши керак, деб ўйлайман. Шахсан ўзим комедияларда ўйнашни ёқтираман. Шу боис «Кеча, бугун, эртага», «Итальянча никоҳ» ва бошқа фильмларда завқ-шавқ билан ўйнаганман.

Италия кинематографиясида комедия кўринмай қолганлигига келсак, жамият ҳаёти ўзгариб кетганлигини эслаш лозим. Чунки кино даврнинг кўзгусидир. Италиядаги бугунги ҳаёт эса у қадар енгил ва «кулгули» комедияларга озиқ берадиган даражада эмас. Итальян кинолентaларининг «жиддий»лашиб кетганлиги шундан бўлса керак, деб ўйлайман.

**— Кўпгина фильмларда қўшиқчи сифатида чиқасиз. Бунинг боиси нимада?**

— Ҳақиқатан ҳам фильмларда кўп куйлаганман. Албатта, мен ўзимни Барбара Стрейзандга тенг қўймоқчи эмасман. Бироқ мудом ўзимнинг қўшиқ айтиш имкониятимдан кўра юқорироқ бўлишга интиламан.

**— Буюк итальян актёри бўла туриб Феллини ёки Висконтининг бирорта фильмида суратга тушмагансиз?**

— Бу ҳақда уларнинг ўзидан сўраганингиз маъқул! Менинг Феллини ва Висконти билан ҳам ишлаш шартномаларим бўлган, аммо охирги дақиқада доимо нимадир тўсқинлик қилиб, режаларимиз бузилиб кетган.

**— Бироз ноқулай бўлсада охирги саволга жавоб қайтарсангиз: ойнага қараб нимани кўрасиз?**

— Гўзалликни! Мен гўзалликни кўриб ҳам ташқи, ҳам ички томондан ўзимга ўзим ёқаман. Бу ҳақда сўраганингиз қандай зўр иш бўлди-я!

# БАХШИНИНГ КЎПРИГИ

Сурхондарё телевидениеси ижодкорлари эл севган бахши Шоберди Болтаевнинг терма ва достонларини мунтазам бериб борадиган бўлишди. Дўмбирасини қўлтиқлаган Шоберди бахши ойнаижаҳон орқали кўринди дегунча ишқибозлар ишини тўхтатиб, унинг куй ва термалари, достонлари ҳақида баҳсга киришиб кетадилар...

Ўзиям, булбуллар билан тиллашиб юрган бахши яна бир хайрли ишга қўл урди-да. У ўзи туғилиб ўсган Сайроб қишлоғи ҳудудидаги анҳор устига ўхшатиб шахсий ҳисобидан замонавий кўприк қурдириб ташлади. Сайробликлар эса мазкур қулайликни «бахши кўприги» дея атамоқда.

**Ўктам ДЎСТЁР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

• СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ •

# КИЧКИНА ДЕМАНГ...



**Тошкентлик 15 ёшли шоҳмотчи Рустам Қосимжонов халқаро миқёсдаги спорт устаси талабини салкам бажарди. У Ҳиндистоннинг Калькутта шаҳрида ўтказилган халқаро турнирда қатнашиб, бу борада иккинчи баллга эга бўлди.**

Калькутта халқаро турнири ташкилотчилари тошкентлик ёш шоҳмотчига таклифнома йўллашларининг ўзида жиддий асос бор эди. Рустам ўтган йили Венгрияда ўтказилган ўзидан икки ёш катталар ўртасидаги жаҳон чемпионатида қатнашиб, бронза медалига сазовор бўлганди. Шундан сўнг у Катарнинг Доха шаҳрида ўтказилган 16 ёшлилар ўртасидаги Осиё чемпионатида ғолиб чиқди. Катталар ўртасидаги Ўзбекистон чемпионатида эса учинчи ўринни эгаллаб, халқаро миқёсдаги спорт усталиги талабини бажариши учун биринчи баллга эга бўлди.

Рустам Калькутта халқаро турнири ташкилотчиларининг ҳам ишончини оқлади. У 40 нафар шоҳмотчи (улар орасида 20-22 ёшли шоҳмотчилар ҳам бор эди) қатнашган бу турнирда 6 очко тўплаб, олтинчи ўринни эгаллади. Биринчи ўринни эса россия гроссмейстерлари Михаил Улибин ва Константин Сакаев 8 очко жамғаришган ҳолда ўзаро баҳам кўришди.

Ушбу ўсмирлар турниридан сўнг Калькуттада катталар ўртасида яна бир халқаро турнир ўтказилди. Унда 80 нафар шоҳмотчи (16 нафар гроссмейстер), жумладан, ҳамюртларимиз — гроссмейстер Григорий Серпер ва Рустам Қосимжонов ҳам қатнашди. Қосимжонов ва уни кузатувчи акасининг харажатларини турнир ташкилотчилари ўз зиммасига олишди, Серперга эса у анча қимматга тушди.

Серпер турнирда 11 имкониятдан 8 очко жамғариб, германиялик Хикле, грузиялик Георгадзе, Буюк британиялик Майлс ва катарлик Ал-Мудаки билан биринчи ўринни баҳам кўрди. Қосимжонов эса халқаро миқёсдаги спорт усталиги учун иккинчи баллни қўлга киритди.

Рустам сўнгги тур олдидан 5,5 очко жамғарган, сўнгги партияда ҳеч бўлмаганда дурангга эришсагина ўзи учун ғоят зарур — халқаро миқёсдаги спорт усталиги талабини бажариш йўлидаги иккинчи баллга эга бўларди. Рақиб эса ғоятда жиддий — англиялик гроссмейстер Конкуэст эди. Рустамнинг устунлик томони шунда эдики, у гроссмейстерга қарши оқ доналарда ўйнарди. Ярим очко жуда зарур бўлгани учун ўйин давомида Рустам рақибига дуранг таклиф қилди. Рақиби эса рози бўлмади. Натижада Рустам уни мағлубиятга учратиб, режадаги умумий очкосини ошириб бажарди — 6,5 очко.

Яна шуни айтиш жоизки, турнирда Рустамга рақиб бўлган 11 шоҳмотчининг олти нафари гроссмейстерлар эди. Агар Рустамнинг бундай нуфузли шоҳмотчилар «давра»сига биринчи марта тушишини инобатга олсак, унинг эришган натижаларининг қиймати қай даражадалигини янада яхшироқ ҳис этиш мумкин. У дастлабки партияда англиялик Хепденни мағлуб этди. Сўнг Россия гроссмейстери Улибин билан дуранг ўйнади. Украина грссмейстери Маланюкни эса мағлубиятга учратди. Сўнгги турдаги ғалаба ҳаммасидан ҳам қувончли бўлди.

Рустамнинг олдида энди халқаро миқёсдаги спорт усталиги талабини бажариш учун сўнгги учинчи баллни олиш вазифаси турибди. Агарда маблағ масалалари ҳал бўлса, Рустам 18 февралда Москвада бошланадиган халқаро турнирда қатнашади. Балки ёш шоҳмотчимиз учинчи баллга ана шу турнирда эга бўлар.

**Р. ЖУМАЕВ, С. ДАНИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» ва «Народное слово» мухбирлари.**
**СУРАТДА: Р. Қосимжонов.**



# «ТИШИНГИЗ СОҒМИ, ДЕМАК, БАДАВЛАТСИЗ!»

**— деди Тошкентдаги 5-стоматология поликлиникаси шифокори Дилбар Ҳамидова**

Пойтахтнинг Ғани Мавлонов кўчасида жойлашган мазкур саломатлик масканини кўпгина шаҳарликлар яхши билишади. Чунки, бу ерда тажрибали шифокорлар меҳнат қилишади. Дилбар Ҳамидова — шулардан бири. Унинг шу даргоҳда ишлаётганига 23 йилдан ошди. Ўтган вақт мобайнида Дилбар опа тиббиёт фанлари номзоди деган илмий даражага эга бўлди, талабалар ва врачлар учун ўнлаб ўқув ва услубий қўлланмалар чоп эттирди. Айни пайтда у поликлиникада фаолият кўрсатиш билан бирга, республика врачлар малакасини ошириш институти даволаш-стоматология кафедрасининг доценти сифатида турли вилоятлардан келган тиш шифокорларига касб маҳорати сирларини сидқидилдан ўргатиб бормоқда.

— Тиш касалликларига енгил-елпи қараб бўлмайди, — дейди Дилбар Ҳамидова. — Бу хасталикнинг қаттиқ тўқима, кариес ва унга хос бўлмаган касалликлар, милк ва шиллиқ қават пардаси каби турлари борки, ўз вақтида уларнинг олди олинмаса, беморда ёмон асорат қолдириши мумкин. Худованди Карим одамларга садафдек беғубор ва мустаҳкам тишлар ато этибдими, уни авайлаб-асраб парваришлаш лозим. Зарур бўлган тақдирда эса биз, шифокорлар ҳамиша уларнинг хизматига тайёрмиз.

**Алимурод МАМАДАМИНОВ.**

**СУРАТДА: тиббиёт фанлари номзоди, доцент Дилбар Ҳамидова ҳамшира Муборак Муҳаммадиева билан бирга бемор Нурхон Комилованинг тишларини даволамоқда.**

**Муаллиф олган сурат.**

# ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

## ЕМАЙДИ, ИЧМАЙДИ, АММО ТИРИК

***Бразилиялик Клаулину Кордейру да Силва мана 40 йилдирки бирон нарса емайдиям, ичмайдиям. Аммо саломатлиги жойида.***

Шифокорлар эса бунинг сири нимадалигини тушунолмай гаранг. 76 ёшга кирган чол умри давомида икки бор уйланиб, 23 нафар фарзанд кўрган. Қизиғи шундаки, Силва 40 даражадан юқори офтоб тиғида соатлаб турсаям чанқамайди, ҳатто терламайдиям. Аксинча совуқ қотаётганидан шикоят қилади. 1957 йилдан буён унинг тана тузилиши билан шуғулланаётган саломатлик посбонлари шу пайтгача тайинли фикр айтишгани йўқ.

## КЎНГЛИ ЁШ ҚАРИЯ

***Ёш, ниҳоятда гўзал, Наоми исмли кубалик аёл Флорида штатидаги Палим Бич шаҳри бўйлаб кетаётган машинага қўл кўтарди. Аллақачон 90 ёшни уриб қўйган ҳайдовчи ҳам йигитлик пайтлари эсига тушиб кетдими жувонни салонга, тағин ёнига ўтқазди.***

Наоми чолга — бир-икки қийшанглаб боқиб, муҳаббатдан сўз очиб, пул талаб қилди. Рад жавобини олгач, ўзи унинг чўнтакларини титкилашга тушди. Ҳамённи олишига кўзи етмай, қаршилик кўрсатаётган чолнинг қўли, елкаси, оёғига оғиз солиб, тишлаб ташлади. Даволаётган шифокорлар Наомида СПИД вируслари борлигини, у чолга ҳам юққанини айтишди. Улар касалликнинг бундай усулда одамдан-одамга тез ўтишини илгари учратмаганмиз, дейишаяпти.

## БИР ЙЎЛА УЧТАСИ

***Сурендранагар ўлкасидаги ибодатхонада Мелди худосига бир йўла уч бола қурбонлик қилинди. Уларнинг каттаси эндигина 6 ёшга қадам қўйганди.***

Ҳиндистоннинг Ориссі штати полиция маҳкамасининг хабарига қараганда бир неча кун илгари ишидан маҳрум бўлган соҳиб бундан кейин болаларини боқолмаслигига кўзи етгач, қизи ва икки ўғлини худо йўлига атаб юборган. Барибир иши юришмагач, ўз жонига ҳам қасд қилди. Ана шу ўлка халқлари ҳанузгача ибтидоий қоидаларга амал қилиб яшайдилар. Бу қурбонлик сўнгги ярим йил ичида учинчи воқеадир.

## ЗАВОД ЎТМИШГА ҚАЙТДИ

***Оренбургдаги «Стрела» ишлаб чиқариш бирлашмаси хусусий коллекционерларнинг буюртмасини бажарадиган бўлди.***

Ҳозир корхона мутахассислари Япониянинг Ватан уруши давридаги қирувчи самолётларидан (моторсиз) уч-тўрттасини йиғишга киришишди. Конструкторлар самолёт макетининг чизмаларини тайёрлашаяпти. Шунга қараб деталлари ишлаб чиқарилмоқда. Яқинда Америка Қўшма Штатларидаги музейлардан бири 40-йиллардаги Совет қирувчи самолётининг ташқи кўринишини ясаб беришини сўраб мурожаат этди.

## ТИРИКЛАР ЖАНЖАЛЛАШСА, ЎЛИКЛАРГА ТИНЧЛИК ЙЎҚ

***Бир неча ойдирки, Хлюневлар ва Слесаревлар оила аъзолари шаҳар қабристонлар бошқармаси ходимларининг бошини қотиришаяпти.***

Одамларга нариги дунёда ҳам жой торлик қилиб қолганга ўхшайди. Нижний Новгороддаги «Марина Роша» қабристонидан ҳар иккала оила куни битган аъзоларини дафн этиш ниятида жой ажратиб олишган эди. Бировнинг чегарасига бошқасига тегишли одамнинг қабри ярим метрча ўтиб кетибди. Бор гап шу. Қабристон хизматчисининг айтишига қараганда шу кунларда гўр устига қўйилган тарафкашларга тегишли қабртошлар ҳам тез-тез йўқолиб қолаяпти экан.

## РАҚАМЛАРДА СИР-СИНОАТ БОРМИ?

***Хитойликларнинг аксарияти «8» рақамига бошқача кўз билан қарашади. «4» рақамини эса кўргани кўзлари йўқ.***

Бу антиқа қоидалар халқ орасида ҳамон сақланиб қолган. «8» рақами хитой тилида «бойлик», «тўкин-сочинлик» маъносида жарангларкан. Шу боис бу рақам бор бўлган номерли автомобиллар, ишхона ва уй телефонлари соҳиблари энг бахтли ҳисобланади. Бироқ «8»ни қўлга киритиш учун каттагина пул сарфлашга тўғри келаяпти. «4» эса «ўлим»ни англатаркан. Мамлакатнинг жанубида яшовчи халқлар бешта тўрт — 44444 рақамини «умри боқий» маъносида қўллашаркан. 1949 йили Хитой Халқ Республикаси ташкил топгандан сўнг бундай қарашларга феодал ўтмиш сарқитлари деб уларни ишлатиш қонун йўли билан таъқиқланган эди. Мамлакат бозор иқтисодига қадам қўйиши билан ана шу рақам маънолари яна ҳаётга қайтди.


ТАШКИЛОТ ТАВСИЯ ЭТАДИ:

1. Телефакс "Panasonic KX-F130 BX"
"Panasonic KX-F500"
"Panasonic KX-F700"
2. Ксероксклар "Canon FC-330"
3. Сим т/б ВР-2, 4-5
4. Умумий фойдаланишдаги сим 2 ГР—4 ГОСТ 3282 74
5. АЗО, Е16 ксерокслари учун катридж
6. Совуткичлар
7. Валюта детектори
8. Пул санаш машиналари
9. Телефон аппаратлари
10. ФС/РС - 2, 3, 5, 11 цилиндрлари
11. КЭНОН—1215 тонер порошоги

Телефонлар: (3712) 72-54-68, 72-98-17
(3662) 31-06-64, 26-52-05

Жамғарма Банки

ДИҚҚАТ ЯНГИЛИКЛАР!
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМҒАРМА БАНКИ ТОМОНИДАН "КАПИТАЛ" ВА "КАПИТАЛ-ЛЮКС" ОМОНАТЛАРИ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

"Капитал" ва "Капитал-Люкс" омонатлари бўйича даромад хар ойда 9%дан тўланади ва бу фоизлардан Сиз тўлик ёки кисман олиб фойдаланишингиз мумкин. Бундан ташқари бу омонатларни пул ўтказиш йўли билан хам очишингиз мумкин.

"Капитал" омонати 1 йил муддатга очилади ва энг кам микдори 1000 сўм. Бу омонат бўйича фоизларни 1 йил давомида олиб ишлатмасангиз Сиз 180%дан юқори даромад оласиз.

"Капитал-Люкс" омонати 6 ой муддатга очилади ва энг кам микдори 3000 сўм. Бу омонат бўйича Сиз жорий ой учун фоизларни олдиндан олиб фойдаланишингиз ва истаган микдорингиздаги қўшимча пулни қўйишингиз мумкин.

*Тўлиқ маълумотларни Жамғарма банкининг исталган муассасасидан ёки қуйидаги телефонлар оркали билиб олишингиз мумкин:*
*45-66-43, 33-51-95.*

"КАПИТАЛ" ВА "КАПИТАЛ-ЛЮКС" ОМОНАТЛАРИ — БУ СИЗНИНГ ДАРОМАДИНГИЗ!


Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти ректорлиги ва жамоаси «Патологик физиология» кафедраси мудири, профессор Нусрат Абдуллаевга онаси

**Манзура УСМОНОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.




ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Анвар ЖЎРАБОЕВ.

• БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Хатлар 33-07-48;
Қишлоқ хўжалиги 32-07-94;
Иқтисодиёт 32-36-65;
Маънавият 32-35-60;
Ахборот 32-29-89;
Тунги муҳарририят 33-10-28.

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — А. Йўлдошев.
Навбатчи — Р. Жумаев.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 0067 50908 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди — 20.00. 1 2 3 4 5 6